

# OILA DAVTRASIDA

No 44 (390)  
2019 - yil  
24 - oktabr  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ  
ЖАВОБ БЕРАДИ**

6-бет



**Шавкат МИРЗИЁЕВ:**

**Давлат тилига – она тилимизга  
эҳтиром ва садоқатни  
барчамиз ўзимиздан, ўз  
оиламиз ва жамоамиздан  
бошлашимиз керак!**

Qishloqlik o'qituvchi  
**НОБЕЛЬ ОЛМОҚЧИ**

6-бет



**ЕР ОСТИГА** саёҳат

7-бет



«Негатив» ва «ПОЗИТИВ»

**«ТАВСИЮ»**

3-бет



**ТОПЛАЁТГАН  
НОМУС**

Сизга тегишли  
эмасми?

3-бет

uzkitob.uz

**«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»**

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти

# ОНА ТИЛИ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР

Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги қонун қабул қилинганига ўттиз йил тўлди. Шу муносабат билан жорий йилнинг 4 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу жуда катта воқеа. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғояси остида амалга оширилаётган улғувор ишларнинг яна бир ифодаси.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижроси доирасида мамлакатимиз бўйлаб жуда кўплаб маданий, маърифий тадбирлар ўтказилди ва бу эзгу иш давром этмоқда.

Бу тадбирларнинг энг олий даражаси 21 октябрь куни пойтахтимизнинг қок марказида бунёд этилган Халқаро Конгресс марказида бўлиб ўтди. «Тошкент Сити» ишбилармонлик марказида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири ўтказилди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Мана шу тадбир ва унда давлат раҳбари иштирок этиб, нутқ сўзлаши ўзбек тилига нақадар юксак эътибор берилаётганининг амалий ифодасидир. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекканини айтди. Бу хушхабарни наинки мухташам қошолада ўтирганлар, балки бутун халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Зотан, бу шу азият Ватан фарзандиман, деган ҳар бир инсон дилидаги ва тилидаги орзу эди. Кувонмай бўладими, бундан кейин ҳар йили 21 октябрни Ўзбек тили байрами сифатида кенг нишонлаймиз.

**Президентимизнинг қарори ва фармони, нутқида билдирилган фикрлар давлатимиз раҳбари барча соҳадаги ишларни тизимли равишда олиб бораётганига яна бир далил-исботдир.**

Энди ўйланг, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган йиллар ичида қанча қонун қабул қилинди? Ана шу қонунларнинг қайси бири ҳақида Президент қарори қабул қилинди? Йўқ бундай мисол. Фақат «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш ҳақида давлат раҳбарининг қарори қабул қилинди.

Хўш, нега? Нима учун шу қонун қабул қилинганини кенг нишонлаш ҳақида махсус қарор чиқди? Айтиш керакки, бу ниҳоятда чуқур ўйланган, халқнинг, миллатнинг, мам-

лакатнинг келажагини ўйлаб қабул қилинган ҳужжат. Мамлакат тараққиётида, халқ фаровонлигини юксалтиришда бирон-бир соҳа аҳамиятини инкор этмаган ҳолда таъкидлаш керакки, миллатни миллат қиладиган, давлатнинг мустақил давлат сифатида нуфузини оширадиган, авлодларни ўзаро боғлаб турадиган буюк ва қудратли восита — тилдир. Тили йўқолган миллат халқ сифатида ҳам йўқолади.

Тил орқали инсон онгига миллий ғурур сингади ва шаклланади. Миллат, халқ шаънини улуғлайдиган энг асосий омиллардан бири — миллий ғурурдир. Ким қайси соҳада, қайси лавозимда ишлаганин, Ватан тараққиёти, эл-юрт манфаати, халқ турмуш даражасини юксалтириш учун бел боғлаган экан, юрагида аввало миллий ғурур бўлмоғи зарур. У ҳар қанча билимга, тажрибага, заковат ва салоҳиятга эга бўлмасин, қалбида ана шу муқаддас туйғу жўш урмаса, мўлжаллаган режаларини амалга ошириши кийин кечди. Миллий ғурури бор одам ориятли бўлади. Ориятли одам, халқ ибораси билан айтганда, Худодан кўрқад, банданан уялади. Бундай инсон қинғир ишга қўл урмайди, ўзганининг ҳақидан, бировнинг дилини оғритишдан кўрқад.

Миллий ғурур инсон боласи онгига жуда эрта ўрнашади. Гўдак хали ёруғ дунёга келмасидан, она қорнида пайтларидан бошлаб онаси сўзларини эшитади, унинг вужудига сингади бу сўзлар, оҳанглар. Бекорга қон билан кирган жон билан чиқади, деган ибора ишлатилмайди. Миллий ғурур ҳар бир инсонга ўз ота-онасини, оиласини, киндик қони тўқилган қишлоғи ёки маҳалласини, бутун юртини, ўзи мансуб бўлган халқни севишни, қадрлашни, улуғлашни, унга садоқатли бўлишни, химоя қилишни, керак бўлса жонини қурбон қилишни ўргатади. Миллий ғурурни мустаҳкамловчи муҳим омиллардан бири она сутидир. Собқ шўро тузуми даврида туғруқхоналарда барча оналарнинг сутини йиғиб, туғилган чақалоқларга беришарди. Бу насл бузилишига олиб келар эди. Тасаввур қилинг, битта туғруқхонада бир қунда қанча бола туғулади. У ерда ётган аёллар орасида қайси миллат вакиллари, қанақа касб эгалари,

қандай ахлоқдаги аёллар бўлмайдилар, дейсиз. Балки қўли эгри ёхуд енгил оёқ аёл ҳам бордир. Баъзан туппа-тузук оиланинг фарзанди ўғри, қаззоб, безори бўлиб кетарди. Одамлар хайрон: отаси зиёли, маърифатли инсон, онаси фариштамисол аёл, боласи нега бунақа бўлди? Билмайдик, бола шўрликда айб йўқ, у туғруқхонада илк марта ана ўшанақа аёлнинг сутини ичган, унинг вужудига «бузилган» сут кирган.

**Бу совет тузумининг миллатларни қоршиштириб юбориш сиёсатининг натижаси эди. Совет «доҳийлари»дан бири Катта минбардан «ягона совет халқи» вужудга келди, деб мақтанган эди. Аҳвол шу зайл давом этса, паспортдаги «миллати» деган жумла ҳам олиб ташланар эдимиз?**

Бундай сиёсат оқибатида космополит одамлар пайдо бўла бошлаган эди. Бу тоифа одамларда она юрт туйғуси, миллий ғурур бўлмайдилар, манқуртлар ана шулардан келиб чиқади.

Шукрки, бу режалар амалга ошмади, иттифок парчаланиб кетди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин туғруқхоналаримизда бу «тажриба»га барҳам берилди. Чақалоқ туғилиши билан онаси кўксига қўйилиб, болага фақат ўз онаси сути бериладиган бўлди. Бу насл тозаллигини сақлашда жуда муҳим. Истиклол йилларида туғилган болаларнинг насл-насаби тоза. Бу уларнинг фикрлашида, онги-тафаккурида, дунёқарошида, юриш-туришида, ҳаттоки, ташки кўришида ҳам яққол сезилди. Бундан ғурурланамиз, улар мамлакатнинг ҳақиқий эгалари бўла олишига ишонамиз. Ҳали ўттизга бориб-бормай масъулиятли лавозимларни эгаллаётган ёшларга кимнинг ҳаваси келмайди. Бугунги ёшларимиз бир неча тилини билади. Аммо уларнинг ўзақ тили — она тили — ўзбек тили. Ўз она тилини муқаммал билган одам ўзга тилларни ҳам тез ва осон ўрганади.

Бугун ўттиз йиллигини кенг нишонлаётганимиз «Давлат тили ҳақида»ги қонун 1989 йил 21 октябрда осонгина қабул қилингани йўқ. У пайтда совет

хукумати мавжуд, компартия қилчи синмаган эди. Наинки ташқи, ҳатто ички душманлар ҳам кўп эди. Сўзи бошқаю иши бошқа кимсаларни ажратиб олиш мушкул эди. Ватаним, халқим, дегани билан ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиганлар бисёр эди. Ана шундай ғоят мураккаб даврда қабул қилинган бу қонун. Бу фидойи ва ватанпарвар зиёларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати, ўша вақтда республикамиз раҳбари бўлган Биринчи Президентимиз Исрол Каримовнинг катта жасорати натижасидир. Тўғри, қонуннинг тақомилига етмаган жойлари бор. Аммо ушбу қонун халқимизнинг мустақиллик сари ташланган дастлабки дадил қадами бўлгани аниқ. Шу қонун ижроси доирасида кўп ишлар қилинди. Қилинмаганига, қонун талаблари тўла бажарилмаганига ўзимиз айбормиз. Тилимиз софлиги учун, унинг халқроқ микёсдаги обрў-эътиборини, нуфузини ошириш учун ўзимиз курашмасак, амалий фаолиятимиз билан ўрнак бўлмасак, четдан келиб биров қилиб бермайди бу ишларни.

Ҳар қандай қонун ҳам, қарор ҳам ижроси билан муҳим ва қадри. Агар у ижро қилинмаса, қонун талаблари бажарилмаса, у оддий бир қоғоз, холос. Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўп бор таъкидлаган. Қабул қилинган, қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар ижроси учун барча, биринчи галда турли даражадаги раҳбарлар масъул. Бу борда ҳам давлатимиз раҳбари ўрнак, намуна бўлмоқда. Шавкат Мирзиёев жорий йил 17-18 январь кунлари Хиндистонга амалий ташир билан бориб, Гандинагар шаҳрида ўтган «Жўшқин Гужарат — 2019» IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди. Президентимиз саммитда ўзбек тилида нутқ сўзлади. Халқаро анжуманда биринчи марта ўзбек тили жа-ранглади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда иш бошлаётган хорижий давлатлар элчи-

ларидан ишонч ёрликларини қабул қилиб олиш маросимида ва бошқа турли катта-кичик йиғилишларда фақат ўзбек тилида сўзламоқда. Давлат тили ҳақидаги қонун ижросининг олий намунаси бу! Бундан барча, аввало, турли даражадаги раҳбарлар ўрнак олмоғи зарур.

**Қонун қабул қилинганидан буён ўтган йилларда эришган ютуқларимизни эътироф этган ҳолда, афсусланарли жиҳатлар ҳам кўп эканини айтмай иложимиз йўқ. Она тилимизни хато билан ёзишлар, бузиб гапиришлар қамайиш ўрнига кўпайиб бораётганига ўхшайди.**

Ўзбек тили — бизнинг она тилимиз, давлат тилимиз, унинг софлигини сақлаш, бойитиш, нуфузини кўтариш... ҳамма-ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Фақат лоқайдлик, бефарқлик, менга нима ёки бу менинг ишим эмас, деб қараш каби иллатлардан воз кечсак, менинг ота-онам шу тилда гаплаган, шу тилда тилим чиққан, мен яшаётган жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат тили бу, унинг тақдири учун мен ҳам масъулман, деб ёндошсак, давлатимиз рамзлари — Конституция, Байроқ, Мадҳия каби, балки улардан-да улуғ ва муқаддасроқдир давлат тили, деб билсак, она тилимизни менсимаганларга, уни бузиб ёзган ва гапирганларга худди ўз онамизни беҳурмат қилган кимсага қарши курашгандай курашсак — буюк ўзбек тилимизнинг — давлат тилимизнинг мавқеини янада баян қўтарган бўламиз. Бу билан ўзимизни, она халқимизни, жонажон Ватанимиз — Ўзбекистонимизни улуғлаймиз.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист



Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда тарқалаётган (балки атайлаб тарқатилаётган) баъзи видеолар, аянчли тасвирлар яшин тезлигида бутун интернет олами «забт» этмоқда. Билган билмаган, ўзи учун бирор фойдаси бор ёки йўқлигига қарамасдан ҳамма шу видеони излаган, кўчириб олган, бир-бирига жўнатган.

...Тасвирда бир аёл шарм-хаёни унутиб кўпчилик олдида беибо сўзларни айтаётгани, кўзи тушган одами ҳақорат билан «тишлаб отаётгани», ҳуллас бир кўришда истаган кишининг кайфиятини бузадиган ҳолат. Хўш, мана шунинг тарқатиш, излаб топиб кўриш бизга нима беради? Уша аёл баҳонасида, аёл зоти шаънига бир-бирдан чироили «таърифлар», «хамду санолар» айтилди. Кимдир унинг бу ҳолатини эркакшодалик деб, атаса, яна кимдир ҳаёт кийинчиликлари қарши исён деб, баҳолади. Тўғри, эл орасида шундайлар топилади. Қайси мамлакатда йўқ дейсиз, турфа феъл инсонлар, турфа хил иллатлар? Афсуски, ижтимоий тармоқларда ана шу орқали бутун дунё ўзбек аёлига баҳо бераётгандек туюлди менга.

Психологларнинг айтишича, инсоннинг хотирасида узок сақланадиган маълумотлардан энг кучлиси, бу ўз кўзи билан кўриб, хотирасига муҳрлангани экан. Айниқса, энди камолотга етаётган ёшларнинг калбига таассурот, кўздан ўтиб онг остига чуқур жойлашади. Бир нарсанинг тасвирини ижтимоий тармоқларда айлантиришдан олдин, шу тасвир келтириб чиқарадиган оқибатларни нега ҳеч биримиз ўйлаб кўрмаймиз? Нега бир тарбиясиз аёл тасвири орқали бутун дунё ахли, миллатимиз аёлини аҳолини кўз-кўз қилишдан ор қилмаймиз? Ахир уша аёлда уят, номус йўқ экан, унинг аҳолини видеога олиб тарқатаётган, бир-бирига улашаётганлар-чи, нима сизларда ҳам йўқми бу туйғулар? Уша тарқалаётган тасвирларни эртага бошқа бир аёл, ўспирин қиз, миттигина, қақилдоқ қизалоқ такрорламайди, деб ким қафолат беради? Ахир, бу ўз синглимиз, кизимиз тарбиясиз ҳам таъсирини ўткизиши мумкинлигини наҳотки ўйламаймиз?

Ўқувчилик давримда «Нодирабегим»



# ТОПТАЛАЁТГАН НО.ШУС

## СИЗГА ТЕГИШЛИ ЭМАСМИ?

бадий фильмини кўрганман. Нодирабегимни эл аро бадном қилмоқчи бўлганлар сарой майдонда уни кўзи конга тўлган аскарларнинг ўртасига ташлайди. Ечинтирмоқчи бўладилар. Тўсатдан эсган шамол шоираи давроннинг рўмолини сиргантириб елкасига туширади. Оломоннинг кўзи унинг ой жамолига тушади. Урхо-ур қилиб келаётган тўда ичидан кимдир таниб «Эй, бу Нодирабегимку! Шоираи давронку!», дейди. Ҳамма ортага чекинади...

Мен фильмини неча марта кўрсам худди шу ерида йиғлар эдим. Фильм ижод-

корларининг миллат тарбиясига қўшган улкан ҳиссаси шу тасвирларда яққол намоён бўлади. Аёлга ҳурмат, шоираи давронга эҳтиром шундай ифодаланади, азизларим. Ҳаёт кийинчиликлари, замона зуғмига «исён» дея, фильм ижодкорлари ўша хунук кўринишли аскарлар қиёфасидан бошқача фойдаланиши ҳам мумкин эди. Аммо, унда бу фильмин кўрган оддий бир кишлоқ қизиди шоира бўлиш орузи тугилмасди эҳтимол. Обрули аёл бўлиш нияти пайдо бўлмас эди балки.

Японияда ер кимирлаганда

кимматбаҳо буюмлар сотиладиган дўконлар ёнидан ўтаётган одамларнинг бирортаси ҳам сочилиб ётган жавоҳирларга тегмасдан, эҳтиёт бўлиб қараб кетаётганини кўрсатишди. Кадр ортида «Энг оғир вазиятларда ҳам инсон бўлиб қол!» деган ёзувлар айланар эди. Бир тасвирда ўлиб қолган кучукча атрофидан кетолмай «Тур! Нега ётибсан? Ҳамма кетаяпти» – дегандай уни ялаб, тумшуги билан туртиб кетишга ундаётган, атрофида парвона бўлаётган итти кўрсатишди. Тасвир изохсиз эди. Мана, нафақат япон, балки инсониятни тарбиялаган тасвирлар. Демак, ким нимани тасвирлаши билан ҳам қалбини нима билан тўлганини аниқлаштириши мумкин экан-да.

«Аёллар бузилиб кетди», «Чет элда ўзбек аёли фақат фоҳишалик билан

шугулланыпти», «Нима қилсин, очдан ўлсинми?» яна қанча-қанча «ёрликлар» ёпиштириляптики, буни ижтимоий тармоқларда кўрганлар – ўзбек аёллари ҳақида фақат ёмон ҳаёлга боришлари аниқ.

Ўзбек аёллари ҳар тонг дуолар, шукроналар билан уйғоняпти. Ҳаёли ўзбек аёлининг фарзандлари мўъжизалар яратаяпти. У ҳалол ва доғирлиқлиги, латофати, садоқатию меҳр-муҳаббати билан доим ардоқда.

Мени ажаблантираётгани ижтимоий тармоқларда айланаётган бу каби салбий кўринишларга чек қўядиган бирор бир жиддий муносабатни кўрмадим. На Конунчилик палатаси депутатлари, на сиёсий партиялар лидерлари, на ҳуқуқ химоячилари бир оғиз гапирдилар...

Гап миллат маънавияти, одоби, ахлоқи, тарбиясига салбий таъсир ҳақида борар экан, лоқайдлик қилмайлик. Бир-лашайлик, керак бўлса, қонунда чора белгиланайлик. Зеро, буни сўрашга, она сифатида, бир аёл ижодкор сифатида талаб қилишга ҳаққим бор деб, ўйлайман.

Зулфия МЎМИНОВА

# «НЕГАТИВ»МИ ЁКИ «ПОЗИТИВ»... ХУЛЛАС «ТАВСИЮ»

Ижтимоий тармоқ оламига энди кирган пайтларим дастлаб эътибор берган нарсам мен учун ўзбек тилига аралаштириб қўлланилган, баъзиларини илк марта эшитиб турганим рус ва инглиз тилидаги сўзлар бўлганди. Ҳамкасбларим, филолог, блогерларнинг қўйган постлари, ёзган изоҳларида «элита», «адекватъ», «гламурный», «сарказм», «позитив», «негатив» каби сўзларни бот-бот учратардим.

Ҳамкасбларимдан бирининг телеграм гуруҳимизда ёзган «Бизда «солидарность» етишмайди», деган гапи мен учун чинакам янгилик бўлди. Кейинчалик баҳс-мунозараларда «толерант», «доляный» деган сўзлар билан бойитдим луғатимни. Солидарность (фиқрдозлик, ҳамфикрлик) деган сўз менга дабдабали (гламурный) эшитиб кетди. Ва урф (модадан ортада қолмаслик учун бу сўзларни қўлласам ҳам баҳсдошим нима демокчилигини тўлиқроқ аниқлаш учун луғат титқилашга тўғғри келди. Буни қарангки, луғатда буларнинг барчаси-

нинг таржимаси бор экан. Масалан, «негатив»ни – салбий, «позитив»ни – ижобий фикрлаш десак бўларкан. Энг кизиги, бу сўзларни юқорида айтганимдек ҳамкасбларим, филологлар, блогерлар бажонидил қўллаётгани, бот-бот такрорлаётганидир. Журналист ёки филолог бу сўзлардан «истихола» қилмай фойдаланяптими, мақолаларида, постларида, ёзган изоҳларида ишлатяптими, демак бу зиёли катлам(элита)нинг ортидан оддий одамлар эргашиши табиий. Кунда-кунора ижтимоий тармоқларда «ажитожа»га айланган мавзулар чиқиб туради.

Аваллига бу сўзни айтишга ҳам қийналдим. «Ажитожа» – мен учун (назаримда кўпчилик учун) янги сўз, луғатда эса бунинг таржимаси «шов-шув» экан. Хўш, тил айланмайдиган «ажитожа» сўзининг ўрнига оддийгина «шов-шув» деб қўя қолсак нима бўлади? Ахир бу сўзга мослашиш, яъни «адаптация» қилишнинг ўзи қийин. «Алчностъ» деган сўзга ҳам тез-тез дуч келамиз. Аслида нафси бузук одамга нисбатан ўзбекчада минг йилдан бери қўллаб келинаётган «очкўз» сўзи бу ўринда яхшироқ етиб бормайдими? Луғатни титқилаш асносида янада ажойиб сўз таржималарига дуч келдим. Масалан, «дегустатор» деган сўз «чашначи» деган маънони англатаркан. Чой синовчиси деган сўздан келиб чиққан. Менга «дегустатор»нинг қўлладан кўра, «чашначи» сўзини қўлаш ёқимлироқ ва кизикроқ туюлди. Аслида ҳам унутилиб кетган ёки мутлақо эсга олинмайдиган

ман шундай сўзларни халқ орасига олиб кирсак фойдалироқ эмасми? Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Масалан, айсберг – муз тоғи, астма – кўксов, аристократ – оксуяк, абсурд – бемаъни, тутуруксиз, маска – никоб, агрессия – жиззакки... Бу каби ажабтовур сўзлар бугун нутқимизда минглаб топилади. «Точно», «какраз», «короче» деган сўзларнинг аллақачон кундалик сўзлашувимизда мустаҳкам ўрин олганига анча вақт бўлди...

Ижтимоий тармоқларда исм ўзгартириш билан боғлиқ бир мавзуга ёзилган мана бу изоҳ эса жуда таажжубланарли: эмишчи бир аёл исмини Аиша, деб ўзгартирибди. Исм муслималарга қўйилгани учун у аёлга ёки раётганлардан бири: «аслида Ойша деб ёзилиши керак эмасми?» деган саволига шундай жавоб бўлди: «Аиша гламурный эшитилади-да». Ана, холос...

Кейинги пайтларда ўзбекчага русча ва бошқа ажнабийча сўзларни аралаштириш оқибатида масалан, «тавсию», «саводгуллаганский» каби аралаш сўзлар пайдо бўляптики, буни қандай изоҳлашни ҳам билмайман. Таассуфланарлиси, бу сўзлар истеъмолдан осонгина қол олаётганидир. Ахир, «тавсию қилман» ёки «гуллаган савод» дейишнинг нимаси ёмон?!

Ўттиз йилдан бери қатта баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган она тилимиз билан боғлиқ муаммолар ҳолатларда ҳар бир сўзни энг шимариб ҳимоя қиляпмиз. Аммо вақт ўтгач яна айтаётган фикрларимиз «гламурный» янграши учун четдан сўзларни олиб кирмасликка қафолат бероламизми? Ёки шу сўзларни ишлатмасак фикримиз қашқоқлашиб қоладими? «Сарказмона» ёзилган ушбу мақоладан хулоса чиқариш сиздан...

Барно СУЛТОНОВА

# ИҚТИСОДИЁТ ЛОКОМОТИВИНИНГ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олаётган ёшлар мамлакат иқтисодиётини бугунги замон талаблари асосида тараққий эттиришга ҳисса қўшиш учун астойдил бел боғлаган. Пухта билим олиш, иқтисод илмининг ҳар бир доvonини забт этишга юрак қўри, бутун жисму жони билан ҳаракат қилмоқда.



## Ўтмиши улкан, бугунги навқирон даргоҳ

Ҳаёт – мисоли бир дарё, уни сизу биз на тўхтатишга, на тескари оқизишга қодиримиз. Сув ҳар доим ўзининг азалий, қадимий йўлида, манзилу макони томон шитоб билан оқверади. У ана шу йўлда қанчадан-қанча боғ-роғларни бунёд этади, бир учи уфқларга қадар чўзилиб кетган далаларга тирикликни ҳада этиб кетади. Буни қарангки, ўсиб келаётган ёш навиҳоллар ҳам шошиб оқаётган дарёга жуда-жуда ўхшаб кетади. Агар таъбир жоиз бўлса, мен бугунги кунда шаҳд-шиддат билан илм олишга киришган ёшлар эртага мамлакатимизнинг тоғдай таянчига, ота-онанинг умидларини рўёбга чиқаришга қодир катта кучга айланмоқда, деган бўлар эдим.

Ҳар тонгда талабалар илм даргоҳига шошиб, ошиқиб, лекин катта оруз-максадлар, мамлакат ҳаёти учун керакли инсонга айланишдек тотли ниятлар билан кириб келади. Ҳаял ўтмай қолган, сув қўйса жим-жит бўлиб турадиган аудитория-ю, дарсхоналар ўзининг сеvimли ва ёқтирган машғулотларига чунонам берилиб кетган, юз-кўзлари илмга чанқок ёшлар билан лик тўлади. Улар устозидан илм сирларини ўрганиш баробарида мутолаа билан банд бўла бошлайди. Очиғини айтганда, ёшлар кўнгилларида мислсиз оруз-умид, ҳаяжонли хислар тўлиб-тошган ҳолда ўзаро, қизгин суҳбат оловини гуриллатиб машғулотлар оламига астойдил шўнғиб кетади.

Ақл ёшда эмас – бошда! Юксак эзгу-ниятларни дилга жотган оловқалб ёшларнинг гарчанд ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаса-да, ақли қомил, билими юксак, маънавияти рисоладагидек. Бундай тенгқурлар бир-бирлари билан суҳбат қуриб, мунозарая муҳокамага киришиб илм қулфларини очади, келажакда кўнглига туккан орузлари билан бемалол ўртоқлашади. Ана шунда фикрлар чархланади, бахсларда ҳақиқат намоён бўлади.

Ҳар бир туниги бир кундузи бўлганидек, ҳаётнинг ҳам кундузи албатта, келади. Бунинг учун қанчадан-қанча уйқусиз туналарни бедор ўтказишга, машаққат ва ранж чекишга

тўғри келади. Алал-оқибат ана шу машаққатлар ортидан илм шаъми йўлингизни мунаввар этиб ёритгусидир. Муродингиз хосил бўлиб, муддаонгизга бир кун етасиз. Ўз навбатида, мана шу ҳақиқатни англаган талаба ҳар бир дарсни, қимматли сабоқларни қолдирмасликка, илмининг мунчок каби тизилган қатор дурларини беҳуда сочмасликка ҳаракат қилади. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олаётган ҳар бир йигит-қиз буларни теран англаб етиши бизни хурсанд этди. Зотан, бугунги замон – ёшларники. Чуқур инновацион билимни эгаллайдиган, дунё билан тиллашадиган, креатив фикрлайдиган ёшларники.

**Бу ҳақиқатни жуда ҳам яқин англаб етган Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси бугун Президентимиз томонидан ёшлар олдига қўйилган вазифа ва максадларни ҳаётга жорий этишга жиддий кириша бошлади. Маълумот учун шунини айтиб ўтиш керакки, мазкур илм даргоҳи ташкил этилганига қарий тўқсон йил бўлиб, бугунги кунга қадар унинг битирувчилари сони 217 мингдан ортган.**

Шундай қилиб, 1931 йил 15 февралда Тошкентда халқ хўжалиги учун ходимлар тайёрловчи Режавий институтига асос солинади. Орадан маълум бир вақт ўтиб, мазкур илм даргоҳи аввалгига халқ хўжалиги институти, сал кейинроқ эса Тижорат-кооператив институти деб юртила бошлади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети мамлакатимиз мустақилигининг дастлабки йилларидан бошлаб ўз фаолият қўламини кенгайтириб, ривожланиш, қаддини кўтариш даврига дадил ва мардона қадам ташлади. Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети шаклланиши ва ривожланиш даврини Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиши ва ўтаётган даврнинг ҳар бир йилини аҳамият жиҳатидан тарихимизнинг ўн йиллигига, ҳатто асрларга тенглаштириш

мумкин, десак муболаға бўлмайдими» деган фикрлари мамлакатимиз ҳаётида бу илм даргоҳи салоҳияти нақадар юксак экани хусусида яққол тасаввур беради. Аҳамиятлиси, мазкур таъриф ва эътироф то ханузга қадар ўз қадри ва аҳамиятини сираям йўқотгани йўқ.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг довуғи, нуфузи мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълуми машхур. Шу сабабдан ҳам бу масқанда таҳсил олиш истагида бўлган ёшлар ниҳоятда кўп. Бунинг қатор сабаблари бор. Айни кунда университетда иқтисодиёт, бухгалтерия хисоби ва аудит, иқтисодиётда ахборот тизимлари, корпоратив бошқарув, халқаро туризм факультетлари, магистратура ва сиртки бўлимлари иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун малакали мутахассисларни тайёрлаб бермоқда.

## Қалбда офтоб балққан устозлар

Барча замон ва маконларда ҳам устозга эл-улуснинг ҳурмат ва эҳтироми бағоят юксак. Негаки, бу касб соҳиблари миллат фарзандларини илми ва маърифатли қилишга бутун борлигини бахшида этади. Бу йўлда ўз хузуур-халоватидан, оромидан кечади. Халқимизнинг сеvimли ёзувчиларидан бири Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романини олайлик. Мазкур асарда дунёдаги энг шарафли ва масъулиятли касб эгаси бўлган муаллимнинг ҳаёти, ўй-фикрлари, қалб кечималари жуда ҳам таъсирли ёритиб берилган. Шунинг учун ҳам бу асарни то ханузгача устозлар қўлдан туширмасдан мутолаа қилиб келади. Университет педагогик жамоасини ҳам ёзувчи тасвирлаган устозларга менгзаш мумкин.

ТДИУ йигирма тўртта кафедрасида 431 нафар профессор-ўқитувчилар 5 минг 956 нафар талаба-ёшларга кунт ва сабот билан таълим бериб келмоқда. Талабалар ўз навбатида 25 та магистратура мутахассислиги, 21 та бакалавр таълим йўналиши, 6 та халқаро таълим дастури, 5 та Самарқанд филиалида бакалавр таълим йўналишида таҳсил олишмоқда. Устозларнинг барисиди ўз касбига меҳр-муҳаббат ҳамда ижодкорона ёндашуви

сезиш мумкин. Бу эса бугунги замон таълим жараёнида ўта муҳим ҳисобланади.

– Азал-азалдан ота-боболаримиз илми сўнгсиз, йўқотилмас ҳазина, оламнинг бемисл чироғи, ловуллаб турадиган маёғи, дея эъзозлаб келишган. Агар ўхшатиш зарур бўлса, инсон вужудида куёш ҳарорати билан бирга поёнсиз бир меҳр-муҳаббат, шафқат туйғуси сингиб боргани каби, устоз меҳр ила ўргатган сабоқ ҳам доимо инсоннинг умр йўлларини мунаввар этиб ёритиб туради, – дейди **Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир ХОДИЕВ.** – Илм йўлини танлаганлар аслида игна билан қудук казишдек вазифани адо этади. Ана шу масъулиятли иши билан вужудида мислсиз хузуур-ҳаловат, қониқши ҳис этади. Мамлакатимизда катта нуфузга эга бўлган илм даргоҳимизда меҳнат қилаётган устозларни бемалол ана шу филоий инсонлар сафига қўшган бўлардим. Сабаби, уларни бу касбга чексиз меҳр-муҳаббат, садоқат боғлаб турибди. Шу нарсани мамнуният билан айтиб ўтишим керакки, илм масқанидаги барча вазифалар Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ йўлга қўйилган. Хорижий мамлакатлар таълим муассасаларидаги ўқитиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, янги авлод адабиётларини яратиб ва таълим жараёнига дадил тадбиқ этиш, ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва кўникмасини мунтазам равишда ошириб бориш каби масалалар доимий эътиборда. Сирасини айтганда, мазкур қарор университетимиз жамоаси олдига катта вазифаларни қўяди. Уларни сўзсиз ва рисоладагидек адо этиш учун жамоамиз қамшидек бел боғлаб ҳаракат қилишга тўғри келади. Ана шунда давлатимиз раҳбари ҳамда халқимизнинг ишончини оқлаган бўламиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь – Ўқитувчи ва мурабийлар кунини муносабати билан барча устозларга йўллаган табригидаги «Энг муҳими ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбда ўз касбига,

Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади. Бизнинг барча сайёҳаракатларимиз «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак» деган гоёни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз», деган ҳароратли сўзлар таълим соҳасида жавлон ураётган барча касб эгалари каби мазкур университет педагогик жамоасини ҳам тўлқилантириб юборди. Улар бугун зиммасига юклатилган вазифани адо этишга катта ғайрат-шижоат билан киришяпти.

Аслини олганда, университетнинг миссияси – олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича замонавий, сифатли таълим фаолиятини олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-услубий, ижтимоий тадқиқот, шунингдек, бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳамда таълим хизматларини кўрсатишдан иборат. Жамоа ана шу эзгу ва хайрли ишларни бекам-қўст адо этиш учун ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқда.

## Дунё илмини эгаллаш иштиёқи

Бундоқ синчиклаб қарайдиган бўлсақ, университет аудиторияларида зехни олмос, юраги, қалби пок, ўй-хаёли фақат илм эгалашда бўлган ёшлар сон-саноксиз. Ҳар йили қанча-қанча бундай ёшлар университет талабалари сафига қўшилса, яна қанча-қанчаси етуқ мутахассис сифатида учирма бўлади. Ана шундай илмга ташна ёш қалблар учун университетда илм дунёси эшикларни ланг очилган. Ёшлар ҳам ўз навбатида яратилган мавжуд имкониятлардан ўз вақтида фойдаланиб, устозлари ўғитларига амал қилиб, сабр-тоқат, матонат билан замонавий билимларни чуқур ва пухта ўрганмоқда. Бу ердаги илмга ташна йигит-қизларни қўриб бунга янада амин қўлайик.

Бунёд Усмонов – университетнинг корпоратив бошқарув факультетини талабаси. У 2017-2018 ўқув йилида Навоий номидаги давлат стипендиясини

# ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ



кўлга киритган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти номидаги давлат стипендиясига лойиқ кўрилди. Илм масканида Бунёд сингари икtidорли ёшлар жуда ҳам сероб. Масалан, иқтисодиёт факультети талабаси Ғайратжон Алимов Ислоом Каримов номидаги давлат стипендиясига, бухгалтерия хисоби ва аудит факультети талабаси Шахзод Шаймардонов Навоий номидаги давлат стипендиясига, корпоратив бошқарув факультети банк иши йўналиши талабаси Малика Тоштемерова Навоий номидаги давлат стипендиясига муносиб деб топилди. Тағин яна бир қувончли муздани айтмасак бўлмас. Гап шундаки, республика фан олимпиадасида иштирок этган университет талабаларидан тўрт нафари биринчи ўринни, бир нафари иккинчи ўрин, тўрт нафари эса учинчи ўринни кўлга киритишга муяссар бўлди.

**Бухгалтерия хисоби ва математика фанларидан халқаро олимпиадада ғолибликка ва совринли ўринларга муносиб деб топилганлар сони уч нафарга етди. Икки нафар талаба халқаро кўргазма ва танлов ғолиби, беш нафари эса совриндорлар сафидан жой эгаллади. Саксон тўрт нафар икtidорли талаба жаҳоннинг қатор нуфузи баланд университетларида малака ошириб қайтди.**

Илм даргоҳининг кўкка бўй чўзган арча дарахтлар қуршовида жойлашган, гулу-чечакларга сероб тоза ва озода йўл-йўлакларидан юриб борар эканман, эътиборимни бирдан ўз икtidори билан танитиб турган талай ёшлар тортиди. Уларнинг одамга дадил ва мар-

дона бокиб турадиган нигоҳида фикр ва ақлнинг теранлиги, ички руҳиятидаги гўзаллик, нафосат нишона бериб турибди. Кўнглимдан бу ёшлар илм даргоҳининг энг фаол ва иждоқор талабалари бўлса керак, деган ўй кечди. Чунки улар теран фикр юрийтишар, бир-бирлари билан илм борасида, танлаган мутахассисликларни келажакни тўғрисида конструктив баҳс-мунозараларга, мулоқотга киришар эди.

Чиндан ҳам, донолар айтганидек, ҳақиқат баҳсларда тугилди. Яна шу билан улар бир-бирларига кўнглиларини рўйи-рост очишади. Очигини айтадиган бўлсак, кўзларидан ақл жилваси кўринадиган бу сингари ёшлар билан суҳбатлашиб, ақлим лол қолди. Бу ёшларнинг чиндан ҳам диққат билан, қунту сабот ила меҳнат қилаётганига шахсан ўзим шохид бўлдим. Дарҳақиқат, толиби илмларнинг ўтилайётган хар бир дарога, замонавий ва дунёвий илмларни миридан-сиригача билишга, таҳсилга ихлоси бениҳоя баланд.

## Авлодларга қолган мангу мерос

*Кўлу тоғлик,  
Боғу роғлик ўзбек элим.  
Момо юрти,  
Бобо юрти, чамбил белим.  
Зару гавхар –  
ялтироқ тош, недир олмос,  
Сен биз учун ҳам нон,  
ҳам ош, ману мерос...*  
**Ёқиб:**  
*Авлодларга мерос тупроқ,  
олтин бешик.  
Келса қароғи,  
келса кўноқ лангирт эшик.  
Тирикликда диёримсан,  
бол ва оқ сунт.  
Ўлсам агар мазоримсан,  
эй, Она юрт!..*  
Ҳа, яхши ашъор, дилтортар кўшиқ кўнглининг чигали-

ни, губорини ёзиш қувватига эга. Рост, талабалар ижросида янграган Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг юқоридаги дилтортар шеърда шоирона нозик рух, шеърят ва мусикага ошно тунтинган қалбларни нозик тушунишининг имкони мужассам. Ўша паллада ҳамма-ҳаммани ана шундай туйғу қамаб олган эди. Попукдек қизлар кўнглиларидан чайқалган ҳавасларига бовар юксак завқларига хос ихтироларини, ихчам ва ўта нозик яратмаларини, яъни ижод махсулларини бир-бирларидан ўзиб безашмоқда эди. Буни кузатар эканман манзилу илмнинг, адабиёту шеърятнинг, умуман олганда санъатнинг ошиғи, қалби пок ёшларнинг мутлоқа янги авлодини учратгандай бўлдим.

Аслида ҳаётнинг турган битгани мисоли бир югурик дарё – оқди кетади. Кўнглида эса фикрлар қуюни айланиб қолаверади. Университетнинг сон-саноксиз, нодир китобларни жамлаган кутубхонаси. Жуда кўп йигит-қизлар мутолаага чунонам берилганки, ҳатто атрофига қараб кўйишга ҳам вақтини қизғанади. Гуёки бир тўп асалари мафтункор бўлиб очилиб турган атиргулга кўнб бол тўплаётгани каби. Бутун кўнгли, иштиёки билан ана шу машғулота берилиб кетган. Чиндан ҳам ўзбекининг ота-боболаридан мерос қолди келатган илмнинг чегараси йўқ, мисоли ҳазина. Ахир буни тушунган, илган ёш чечакларнинг иқбол офтоби энди баралла балқийди.

## Миллатларни бирлаштирган билим

Қайсидир бир китобда ўқиган эдим. Унда ҳар қандай алоқа шакли, таълим алмашинуви сингари миллатларни бирлаштира олмайди, деган сўзлар бор эди. Чиндан ҳам, таълим – мамлакатлар ўртасидаги алоқа учун мустаҳкам кўприк. Сўнгги йилларда ТДИУ халқаро ҳамкорлик алоқаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда халқаро микёсдаги Турбо университет, Краков Ягеллонск университети, Лордз университети, Коллегиум Сивитас университети, Бремен университети, Бременхан университети, Хардз аниқ фанлар университети, Вебстер университети, Вайоминг университети, Жанубий Каролина университети, Шанхай университети, Хинжанг аграр университети, Порту университети, Нагоя иқтисодиёт университети, Васада, Япония халқаро университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар Академиясининг иқтисодиёт университети, Санкт Петербург давлат университети ҳамда бошқа қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан таълим соҳасида борди-қелди йўлга қўйилган. Россия федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университети ва Австриянинг Кримес амалий фанлар уни-

верситети билан ҳамкорликда иккита халқаро қўшма таълим дастури ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Германиянинг Вайенштефан – Триездорф университети билан бақалавр таълим йўналишлари бўйича қўшимча таълим дастури амалга ошириш мақсадида жорий ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали ташкил этилди. Мазкур филиалда 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, иқтисодиёт: кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, иқтисодиёт: озиқ-овқат ва ресурслар иқтисодиёти, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, агробизнес ва инвестицион фаолият, рақамли иқтисодиёт каби қатор таълим йўналишларида ўқув жараёни йўлга қўйилди. Бу айниқса Самарқанд ва унга яқин ҳудуд ёшлари учун катта қулайлик бўлди. Илгари Тошкентга келиб ўқиганлар эндиликда ота-онаси ва яқинларидан сираям узоқлашмайди.

Шиддаткор ва тезкор даврда отни тезроқ қамчиласанг пойгада орқада қолиб кетишинг турган гап. Бу масалага жиддий ёндашилса натижа ва кўрсаткичлар ҳам шунга монанд бўлаверади. Мисол учун, биргина 2019 йилда университетнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга

кенгаш қошида ташкил этилган илмий семинарларда кизгин муҳокамадан ўтказилди. Докторант, таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг десертация иши бўйича режага кўра ўттиздан ошқ илмий услубий семинарлар ташкиллаштирилди.

## Маънавият балқиб турса...

Маънавият инсоннинг кўнгли оламини худди қоронғу кечада ёритган тўлиқ, жилвагар ой сингари мунаввар этиб туради. Аслида ундан керагича баҳраманд бўлган одам ҳар қандай вазиятда ўзини инсоний мезонларга мос тута олади. Умуман олганда, маънавиятсиз инсон ўзини доим нимадир сира етишмаётгандек хис этиши таъин.

– Маънавият ва маърифатнинг инсон ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур эканлиги орқича шарҳга муҳтож эмас, бошқача айтганда, бусиз ўтган кун ҳалдан зиёд зерикарли ва ғарибдай бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотади, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори вазифасини бажарувчи Равшанбек НАЖМИДИНОВ. – Негаки, бугунги кунда маънавият масаласига давлатимиз раҳбари то-



қаратилган стратегиясида – халқаро рейтинг агентликлари томонидан эълон қилиб бориладиган индекслардаги позиция ва имиджини янада кўтариш, илмий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар кўламини кенгайтириш ҳамда йирик халқаро илмий тахлилий базалар таркибидан жой олган журналларда илмий мақолалар чоп этиш борасида юқори натижаларга эришилди. Тағин бир гап. Инновацион корпоратив ҳамкорлик жараёнига 1064 нафар талаба ва 205 нафар магистр жалб этилди. Германия Федератив таълим ва тадқиқотлар вазирлигининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот доирасида сўғурта лабораторияси ташкил этилди. Илм даргоҳида иждоий фаолият ҳам доимий эътиборда. Ўн иккита муаллифлик ишланмасига патентлар олинган. Профессор ўқитувчилар томонидан йигирма иккита дарслик чоп этилди. Йил сўнгига қадар ана ўттиз иккита ўқув қўлланма, ўн бешта монография чоп этириш кўзда тутилган. Ўтган йилнинг ўзида олтиш тўрт нафар тадқиқотчи ихтисослик фанларидан малакавий имтиҳон топширган бўлса, улардан жами ўттиз бир нафари

монидан бежиз жиддий аҳамият қаратилмапти. Илм даргоҳида ташкиллаштирилаётган барча маънавий-маърифий тадбирлар давомида айнан шу нарсга эътибор марказидан четда қолаётгани йўқ. Бу билан фарзандларимиз қалбига, руҳиятига ажойиб, гўзал туйғуларни сингдириб бораёلمиз. Илло, шундай қилинганда уларнинг кўнгли янада чароғонлашади.

Мулоҳазаларимизни умумлаштириб, жамлаб айтадиган бўлсак, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида сабоқ олаётган, илмнинг тубсиз хазиналаридан баҳраманд бўлишга жон-жаҳди билан киришган ёш навниҳоллар катта йўл бошида туришибди. Очғини айтганда, улардаги мағрурлик ва фахр-ифтихор ҳиссига ҳавас қилса арзийди. Келажакда бу ёшлар олдидан турган қўлдан-қўп довларни мардона туриб, хотиржамлик билан забт этади, кўзлаган манзилга эсон-омон етиб боради. Бунга асло шубҳа йўқ. Зеро, мақсади аниқ бўлган инсон ўз йўлидан сира ҳам чалғимайди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,  
«Оила даврасида» муҳбири

# Халқ таълими вазирлиги: МУАММОЛАР ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЙИҒИЛГАН

## Уларни тез ҳал этиб бўлмайди

«Оила даврасида» газетасининг 2019 йил 19 сентябр 39-сонида эълон қилинган журналист Нилуфар Жабборованинг «Келажакки қафтида тутганлар қаҳри ёхуд шарафли касбнинг турфа қирралари ҳақида» сарлавҳали мақоласида ўқитувчилар фаолияти, мактаб таълимига оид бир қатор муаммолар таҳлил қилинган эди. Мақолани кўплаб ўқитувчилар, кенг жамоатчилик эътироф этди, iza.uz ва бошқа интернет нашрлар кўчириб эълон қилди. Мазкур мақола юзасидан Халқ таълими вазирлиги муносабат билдирди. Қуйида ушбу муносабатни айрим қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

Газета ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган мазкур мақолада айрим ўқитувчиларнинг тамағирлиги ҳақида маълумот келтирилган. Ота-оналар бундай ҳолатларда мактаб маъмурияти ёки мактабларда фаолият юритаётган Кузатов кенгашларига мурожаат қилиши керак. Кузатов кенгашлари ўқувчилар, уларнинг ота-оналари мурожаатларини кўриб чиқиши, таълим муассасасининг педагог ва раҳбар ходимлари фаолияти тўғрисида ижтимоий сўровларни ўтказиш ваколатига эга.

Мақолада кўрсатилган иккинчи масалага келсак, 2018 йилнинг 14 август куни Ўзбекистон Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Мазкур ҳужжатнинг 16-бандига кўра, халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, мавсумий кишлоқ ҳўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш тақиқланади.

Ҳужжатда халқ таълими му-

ассасалари фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асосларга ва ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текшириш тақиқланиши кайд этилган.

Ота-оналарнинг Президент қабул қилган мурожаат қилишлари бу уларнинг ҳуқуқлари. Албатта, ҳар бир мурожаат ўрганиб чиқиши ва қонунчилик доирасида чора кўрилиши таъминланиши керак.

Ўқитувчиларнинг маълум бир ҳисоботларни юритиши масаласига келсак, сўнгги йилларда педагоглар юритиши лозим бўлган ҳужжатлар сони 7 тадан 3 тага түшди. Натижада, ҳужжатларни тўлдиришга сарфланадиган вақт икки бараварга қисқарди.

Мазкур ҳужжатлар ўқитувчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган. Ҳужжатлар ўқитувчи мактабда фаолият юритгани ва унга маош тўғри ҳисобланганига далил сифатида ишлатилади. Мисол учун, молиявий текширув келганида мазкур ҳужжатлар бўлмаса, ўқитувчи маоши нотўғри ҳисобланган, дейлиши мумкин. Натижада улар олган пулларнинг бир қисми қайтарилиши сўралади.

Ўқитувчилардан илтимос, ушбу ҳужжатларга қозғобозлик сифатида эмас, ўзлари учун зарур ҳужжат сифатида қараш-

ларини сўраймиз. Мазкур ҳисоботларни 2021 йилгача тўлиқ электрон шаклга ўтказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда Kundalik тизими интернет ва компьютер мавжуд мактабларда жорий этилмоқда. Шу билан бирга, вазирлик электрон кундалик ва журналлари жорий этишни кенгайтириш мақсадида мактаблар инфратузилмасини ривожлантириш устида иш олиб бормоқда.

Мухими шундаки, Kundalik тизимида ишлаш учун ўқитувчиларга шахсий компьютер, ноутбук ёки планшет керак эмас. Ўқувчилар баҳоларини мактабнинг интернетга уланган компьютерларида қўйиш мумкин. Шу билан бирга, ўқитувчи истаса баҳоларни ўз смартфонини орқали киритиши мумкин.

Тизимдаги баъзи мактабларнинг бир неча хоналари аввалги йилларда бошқа ташкилотларга берилган. Одатда бундай қарор ҳокимият томонидан қабул қилинади. Мактаб маъмурияти ҳамда жойлардаги халқ таълими бўлиmlари ва бошқармалари мазкур масалаларни ҳокимият билан биргаликда ҳал этиши лозим. Мактаблардаги хоналардан, аввало, ўқувчилар фойдаланиши керак. Синфхоналарда дарсдан бўлиш вақтда тўғараклар ташкил этилиши мумкин.

«Бугунги кунда ўқитувчилар ва уларнинг муносабати аниқ баъзидай ҳолатда аъло бўлди. Тавлими тизими, муқаддас ўқитувчилар фаолияти билан боғлиқ, фикрлар, таъкидлар, таъкидлар тинимати. Аниқ муносабати ҳеч қачон, таъкидларни ўрганиш ва уларни сарғайта қайта таъкид этишга сода муқаддаслари етарлича ўтказилган» - деди бу кунда муқаддас. Жаннатига энг шарафли касб эгалари - муқаддаснинг фикрларини тиндилар жамғир, ҳақларга кунда устозларга муносабат, айни...



QILA DAVRASIDA - МАКТАБ. КЕЛЖАККИ КАФТИДА ТУТГАНЛАР КАДРИ. Includes a small advertisement for a school and a list of services.

**Синфлардаги ўқувчилар сонига тўхталсак. Қонунчилик талабига кўра, синфда ўқувчилар сони 35 тадан ошмаслиги керак. Аммо баъзи мактабларда ўқувчилар сони 35 нафардан кўп. Бунга бир неча омиллар сабаб бўлади. Биринчидан, мактабларда 6,2 миллионга яқин ўқувчи тахсил олса, таълим муассасаларининг қуввати 5,2 миллионни ташкил этади. Иккинчидан, қонунчиликда ўқувчилар ўз микроҳудудига жойлашган мактабда ўқиши кераклиги белгиланган.**

Лекин ота-оналар фарзандларини бир неча километр узоқда бўлган «обрули» мактабларда ўқитишни афзал кўрмоқда. Мактаб раҳбариятининг жой йўқ, дейишига қарамай, фарзандларини турли йўللар билан жумладан, Президентга виртуал мурожаат қилиш орқали ҳам жойлашга ҳаракат қилмоқда. Натижада синфларда ўқувчилар сони меъёридан ортиб кетмоқда. «Обрули» мактабларга тўхталсак, шу пайтгача мамлакатимизда таълим сифатини баҳоловчи объектив тизим мавжуд эмас. Мактабларни «обрули» ва «оддий»га ажратишга асос йўқ. Мамлакатимиздаги ҳар бир мактабда ягона дастур ва дарсликлар асосида болаларга таълим-тарбия берилади.

Ўқитувчиларни давлат мукофотларига тавсия этиш ҳақида. «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунда давлат мукофотларини бериш тартиби белгиланган. Давлат мукофотини олган кўплаб ўқитувчилар орасида ўқувчилари олимпиадада голиб бўлмаганлари ҳам бор. Ўтган йилларда жамоатчилик томонидан бўлган эътирозлар туфайли «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2019» танлови коидаларига ўзгартиришлар киритилди. Жорий йилда танловни шаффоф ўтказиш учун республика босқичи иштирокчилари Facebook ижтимоий тармоғига ўз тақдирини тақдим этиши шартларга киритилди. Жамоатчилик вакилларининг ўқитувчилар фаолияти билан танишиши ва энг яхши педагогларни танлашда иштирок этиши таъминланди.

Директорлар нафақа ёшидаги ўқитувчиларни уларнинг салоҳияти ва соғлиғидан келиб

чикиб ишга қабул қилади. Ёш мутахассислар тажрибали ва билимли ҳамкасбларидан ўрганидан жиҳатлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 30 июлдаги 14/1-4141-рақам билан тасдиқланган «Умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли кадрлар ўрнини босқичма-босқич олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлдиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар Дастурида ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни олий таълим муассасаларининг кундузги, кечки ва сиртки йўналишларида ўқишга йўналтириш, 2030 йилдан бошлаб умумтаълим мактабларида фақат олий маълумотли педагоглар фаолият юритишига эришиш кўзда тутилган.

Мазкур дастур асосида ўрта махсус маълумотли (дипломида ўқитувчи мутахассислиги қайд қилинган) ўқитувчилар 2025 йилгача умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида дарс бериш имкониятига эга. Ўрта махсус маълумотли пенсия ёшидаги ўқитувчилар ҳамда номухтахассислар билан тузилган меҳнат шартномалари 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилинади. Ўрта махсус маълумотли кадрлар мактабда ишлаши учун олий таълим муассасаларининг кундузги, кечки ва сиртки йўналишларида ўқиши керак бўлади. Ўқитувчиларнинг контракт пулини иш берувчи қўшимча ишлаб топган маблағи ҳисобидан коплаб бериши мумкин.

Олий ўқув юртига кириш учун имтиёзлар бериш масаласи ҳукумат ва Олий таълим вазирлиги ваколати доирасига қиради. Шунини кайд этиш керакки, турли имтиёзлар қорғуши ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Аминизки, билимли мутахассислар ўз кучи билан олий ўқув юртига қира олади.

Халқ таълими тизимида йиллар давомида муаммолар йиғилиб қолган. Уларни тез ҳал этиб бўлмайди. Тизим ходимлари амалга оширилаётган ўзгаришларни ҳис қилиб, иллатларни ҳамжиҳатликда бартараф этишда фаол бўлса, албатта таълим сифати ошишига эришилади.

**Анвар УМАРОВ,**  
Халқ таълими вазирлиги  
матбуот котиби

Facebook post from Qishloqlik O'qituvchi. Text: "Нобель оламан... Энди тоқно Нобель мукофотини оламан. Нима учун деясизми? Бизнинг кишлоқда мобил телефонлар учун тўлқин ер сатҳидан камида 4 метр бандда бўлади. Шунинг учун интернет ишлатмоқчи бўлсак, уйнинг томига чиқиб, ярим тунгача томда ўтираемиз. Иссиқ кунлари бир нави, лекин қишда жудаям совқатамиз. Энг оригинал усулни топдим. Тунуқадан телефон учун уйча ясадим ва Шермат монтердан уйчани маҳалламиздаги столбанинг теласига ўрнатишни илтимос қилдим. Тасаввур қилинг, уйчада телефон, телефон электр тоқидан мунтазам қувват олади. Телефонда қурғусуточно вай-фай ишлаб туради. Ойлик тўловни тўлаб қўйганман. Қараб турибсизки интернет вижда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Баҳорда телефонни варракка ўрнатиб бандроққа кўтармоқчиман. Узга сайёралар билан алоқа ўрнатиб юборсам-а!.."

**P.S.** Ижтимоий тармоқда Qishloqlik O'qituvchi айтганга ва гапларнинг Халқ таълими вазирлиги жавоб мақоласидаги «Ўқувчилар баҳоларини мактабнинг интернетга уланган компьютерларида қўйиш мумкин...» деган гапларга алоқаси йўқ...

# БУ – ЕРОСТИ ЙЎЛАГИ ЭМАС,

## САНЪАТ АСАРИ

Юртимиздаги энг катта ва экстремал ғорлардан бири


### ПЕШОҒОГА САЁҲАТ

Ёзги таътил кунларининг бирида «Ёш сайёҳлар» тўғараги аъзолари билан Зоминнинг қадимий ер ости Пешоғорига саёҳат қилиш учун йўлга чиқдик. Саёҳат олдидан фонар, машъала, арқон ўрамаи ва сафар халталарга зарур анжомларни жойлаб, жиддий тадорик кўрдик. Бўлмасачи, ахир юртимиздаги энг катта ғорлардан бири бўлган бу масканга саёҳатда қутилмаган ҳолатларга дуч келишингиз аниқ.

Баланд тоғ тизмалари бўйлаб юқорига кўтарилаётганмиз ғор теварак-атрофи бурканган ям-яшил арчазорлардан баҳри-дилимиз очилиб, кўнгишлар яйраб кет-

борарканмиз қаршимизда турфа ранглар жилоси намоён бўлди. У шунчаки ерости йўлаги эмас, балки моҳирона яратилган санъат асари – қошона, десак муболаға бўлмайди. Ғорнинг сеҳри ва сукунати бирпасда кишини мафтун этиб қўяди. Оҳактош қатламлари яхлит кўринишга эга.

Ғор девори шифтларида сонсаноксиз кўршапалакларга кўзимиз тушди. Улар зимистондаги уяларини адашмай топиб келишар ва шифтга осилиб олиб хатардан холи яшарди. Беозор жониворлар ташқаридаги узун тумшукли калхат, савсан ва шу каби йиртқичларни чалғитиш учун зич халқа ҳосил қилиб олишганди. Улар кўлимиздаги



Баъзан энсиз ва тор йўлақлардан эмаслаб ўтишимизга тўғри келди. Ерости ёриқларидан сиқилиб ўтдик. Эгнимиздаги кийимлар ҳўл бўлиб, танамиз мадорсизланиб, бўғинларда бўшашиш сезила бошларди.

деворларига худди сайқал берилгандек туюлади.

Тобора ичкарилаб борарканмиз бутунлай қоронғилик кўйида қолдик. Ҳайрат ва кизиқишимиз устун келиб гуруҳимиз аъзолари ҳамжихатликда фонар чироғи ва машъала ёрдамида йўлда давом этарканмиз ғор саҳни кенгайиб борарди. Уч-тўрт кадам олдинни умуман кўриб бўлмайди. Адашиб кетмаслик учун арқондан фойдаланишни ҳам унутмадик. Айрим йўлақлар худди қувурдек номаълум томонга чўзилиб кетган. Баъзан энсиз ва тор йўлақлардан эмаслаб ўтишимизга тўғри келди. Ерости ёриқларидан сиқилиб ўтдик. Эгнимиздаги кийимлар ҳўл бўлиб, танамиз мадорсизланиб, бўғинларда бўшашиш сезила бошларди. Аммо ўзимизни кўлга олдик.

Келишувга мувофиқ, биров нафас ростлаб тамадди қилиб олгач, машаққат ва заҳматлар чекиш эвазига яна кичик, тор, баъзан тик ва ўнқир-чўнқир йўллари босиб ўтдик. Айниқса, сирпанчик, учқир ва қиррали харсангтошлардан ўтаркансиз эҳтиёт бўлмасангиз, сирпаниб кетиш ҳеч гапмас. Ҳар бир кадам ҳисобга олиниб, ҳушёрлик талаб этилади. Акс ҳолда адашиб қолиб, бу кўнгиш сиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Энсиз ва эгри-бурги йўлақлардан ўтаётгани «ғир-ғир» эсиб турувчи елвизакдан юрагим ҳаққираб кетди. Эрталардаги сирли мўжизанинг худди ўзгинаси. Шу онда ёнимдаги

ларнинг кўнглидан нималар кечди экан?..

Ғор деворларидан сизиб туншаётган сув томчиларидан бир неча жилғалар ҳосил бўлган. Ерости йўлида агар оқим мавжуд бўлмаганида мавҳум ва ўлик ғор деб атаган бўлардик.

Афсонавий ерости йўлида юриб борарканмиз, беихтиёр деворлардаги гранит ва оҳактошларга назар ташлаймиз. Деворлари нафис безаклар билан безанган. Ғорнинг ички кўриниши ниҳоятда ғаройиб. Айрим тошлардаги шакллар одам ва шерларни эслатади. Ғор ичи бутунлай зимистон бўлиб, тун билан куннинг фарқи сезилмасди. Ихтиёримиздаги фонар чироғи хиралашиб, бир неча машъала қолганди, холос. Ортимизга қайтарканмиз, йўл азоби ва синовлардан нолиш ҳаёлимизга ҳам келгани йўқ. Қолаверса, бу саёҳатнинг ўзгача гапши бор.

Ғорнинг номаълум бўшлиқларидан шахдам одамлаб ёруғлик сари яқинлашарканмиз куёш энди уфққа бош қўймоқда эди. Ғор ичкаридаги кўршапалаклар қоронғилик тушиши билан тор туйнук орқали ташқарига чиқаркан, чарх уриб самога кўтарилишди. Уларни турли хашаротлар, гуллар нектари ва сув ўсимликлари жалб қиларди. Бу ғаройиб сут эмизувчилар шу қадар очқўзки, дуч келган хашаротларни бирпасда кириб битирарди. Кейин тун зулматига кириб кўздан йўқолади.

Бир кунлик саёҳатимиз шу

ерда якун топиб, барчамизнинг кўнглимизда хотиржамлик, юз-кўзларимиздан эса мамнунлигимизни сезиш кийин эмасди. Ана шу хаяжон ва ҳиссиётларга бой туйғулар она табиатга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ва эҳтиром ифодаси эди, албатта. Кўплан Пешоғорга саёҳат қилиш орзуси ушалиб, қадимий ерости обидаси сирсиноати ва ғаройиб мўъжизалари билан танишиш бахтига муяссар бўлдик.

Энг муҳими, маҳаллий аҳоли ўртасида тарихдан яхши хабардор бўлган кексалардан ғор билан боғлиқ хикояларни мароқ билан тингладик. Жумладан, қадимий обиданинг бир неча йиллар ёв йўлига мустақкам тўсиқ вазифасини ўтаганлиги ҳамда маҳаллий аҳолини душман суворийларидан химоя қилиб келганлиги ҳақидаги маълумотлардан воқиф бўлдик.

XII асрнинг 70-йилларида яшаган Али ибн Умархонни ёв қуввиб кетаётганида тўриқ оти билан у шу ғорга яшириниб жон сақлаган экан. Бу зот кейинчалик ғор теварак-атрофига бир канча чўп сукуб, уларни парваршилашга эътибор қаратибди. Йиллар ўтиши билан ниҳонлар кўкка бўй чўзиб, атроф довдарахта бурканибди. Темирйиллар авлоди бўлмиш Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шу юртда босиб ўтган табаррук кадам излари бор... Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Абдулла САИДОВ,  
журналист



ди. Маҳаллий аҳоли Такали ва Қумбел тоғлари туташган бу сўлим масканни мовий тоғлар деб беиз айтишмас экан.

Теварак-атрофи харсангтош, шох-шабба ва йирик бутазорлардан иборат баланд тепалик остидаги катта ҳажмли бўшлиқда пайдо бўлган тубсиз йўлақлар неча-неча асрлар илгари вулкон, табиий офат ва оҳактошларнинг емирилишидан вужудга келган. Бу ерга келиб-кетувчи сайёҳ, йўловчи ва табиат ошфоталарининг қадами узилмайди.

Гуруҳимиз раҳбари етакчилигида тор ва кичик туйнук орқали ғорга тушиш истаги бизни янада ғайрат-шижоатга ундарди. Кейин ички йўл бўйлаб

фонар чироғи ёруғида ғалати товуш чиқариб безовталана бошлашди. Турли капалак, суварак, ялтирок курт ҳамда ер устида учрамайдиган яна кўплаб жониворлар ҳам беҳисоб бу ерда. Аслида ғорда таҳмин қилганимиздан кўп жониворлар яшашаркан. Озуқа танқис бўлгани учун улар ҳаёти кўпроқ чириндиларга боғлиқ экан.

Қизиғи, шифтдан осилиб тушган ўргимчак тўрлари ажиб кўриниш ҳосил қилган. Жуда ғаройиб манзара. Бу ерда табиатнинг неча асрлар давомида яшириб келаётган дурдоналари ва мўъжизаларига ҳар кадамда гувоҳ бўласиз. Оҳактош қатлами яхлит кўринишда эканидан ғор

### ЧАПАНИ ҲАНГОМАЛАР

## МУАЛЛИМИНГ ҚАЛТИС ЎГИТИ

Саксонинчи йиллар. Мактабимизда юқори синф ўқувчилари учун интизом мажлиси кетяпти. Масала иккита: 1) қомаги кўзга ташланиб қолган синфдош кизимизга ишқий мактуб ёзишга журъат этган йигитчани уришиб, ўсал қилиш; 2) синфдош кизларга қўл кўтарган битта безори бўзболани тракторчилар билим юртига бадарға қилиш.

Биринчи масала юзасидан мактаб директори, унинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, партқўму кизсовет, педсоветлар, бўйқизнинг онасию дугоналари роса жаврашди. Адабини еган мишиқи ошқ қайтиб ишқий нома ёзмайдиган бўлди. Биринчи ма-

сала юзасидан мажлис қарор қилди: мактаб ёшида севишиш, ўғил болаларнинг кизларга севиғи мактуби ёзиш коммунизм қуришга халакит бериши қатъий уқтирилди. Хуллас, мактабимизда севишиш қатъий тақиқланди!

Иккинчи масала юзасидан синф раҳбаримиз Бобомурод малим ташаббусни ўз қўлига олди. Мажлисгача обдан таъбирини еган ва механизаторлар билим юртига бадарға этилиши аниқ бўлган безори синфдошимизга акаларчани, оталарчани насихат қилаётиб, раҳмдил муаллим беҳосдан бир қовун туширди.

– Эртага улғайиб катта одам бўлсанг, ўзинг қўл кўтарган шу кизларнинг кўзларига

қандай қарайсан? Шундай ширин кизларни уриб бўладими, ахир буларни яхши кўриш, севиш керак-ку!..

Малимнинг охириги сўзидан сўнг мактаб залига бир зум оғир сукунат чўкди. Аммо, бетоқат шаддод кизчалар йигитчаларга жўр бўлиб гуррос қулиб юборишди. Директор тиришган дарғазаб башарасини нотикка қадади. Шошиб қолган домла гўёки қуриган пахсага лой ёпиштирмоқчи бўлди:

– Ҳа ёқмай кетсин сенларга, мен умуман беҳосдан бир қовун туширди!..

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

### ЭЪЛОН

Тошкент шахар Юнусобод тумани Ягона дарча маркази томонидан 18.03.2017 да 7285-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатида олинган «AMIR BO'RON SAXOVAT» МЧЖ ўз қарорига асосан ТУГАТИЛМОҚДА. Мурожаатлар бўйича қуйидаги телефонга қўнғирок қилиш мумкин: 71-212-13-40

## “AYNAN SIZ UCHUN” JAMG‘ARMA OMONATI

5, 10, 15  
20, 25, 30  
kunga

▶ 16%  
yillik

35, 40, 45, 50  
55, 60, 65  
kunga

▶ 18%  
yillik

70, 75, 80  
85, 90, 95  
kunga

▶ 20%  
yillik



 **XalqBanki**

Хизматлар лицензияланган.

+998 71 200 00 55  
+998 71 202 50 50

XALQBANKINFO



### ПАЗАНДАЛИК

#### «ҚИРОЛИЧА» ПИРОГИ

**Таркиби:** 250 гр. ун, 120 гр. сариёғ, 100 гр. қанд уласи, 1 дона тухум сариғи, 2 ошқошиқдан сметана ва какао, ярим чойқошиқ хамир юмшатгич; ичига солишга: 1 кг. творог, 400 мл. қаймоқ, 200 гр. шакар, 5 дона тухум, 60 гр. кокос қириндиси, 3 ошқошиқ маккажўхори крахмали.

**Тайёрланиши:** Ун, қанд уласи, какао, хамир юмшатгич ва хона ҳароратида юмшатирилган сариёғ бўлақларини яхшилаб аралашти-

ринг. Сўнгра сметана ва тухум сариғини кўшиб, хамир тайёрланг. Хамирдан зувала ясаб, целлофанга ўранг ва 20-30 дақиқа музлаткичга кўйинг.

Творог ва қаймоқ хона ҳароратида бўлиши керак. Иккаласини блендер ёрдамида яхшилаб аралаштиринг. Тухум, шакар ва крахмал кўшиб, аралаштиришда давом этинг. Творогли аралашмага кокос қириндисини ҳам солинг. Хамирни иккига бўлинг.



Биринчи бўлак хамирни катта тишли қирғичдан ўтказинг ва пирог қолипига солиб, устидан творогли аралашмани кўйинг. Қолган хамирни ҳам қирғичдан ўтказиб, пирог юзига сепинг. Ширинлигимиз 160 даража киздирилган газ печида 1 соатда пишади.

### ТАБАССУМ 😊😊😊

#### Макаронни яхши кўрасизми?

Бўлгуси рафикаси билан учрашувга отланган йигитга холаси ақл ўргатяпти:

– Сен қизга албатта учта савол беришинг керак. Биринчи савол рўзгорга оид бўлиши шарт. Иккинчиси оила, учинчиси эса фалсафий бўлсин, тушундингми, жиян, бўш келма!

Йигит учрашувга борганида холасининг айтганларига амал қилиб сўрабди:

- Кечирасиз, сиз макаронни яхши кўрасизми?
- Йўқ.
- Укангиз-чи, у макаронни яхши кўрадимиз?
- Менинг укам йўқ.
- Нима деб ўйлайсиз, агарда укангиз бўлганида макаронни яхши кўрган бўлармиди?!

**OILA  
DAVRASIDA**  
Itimoiy-ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамаиати

Бош муҳаррир  
Хуснидин БЕРДИЕВ

#### МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияси;  
«Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

#### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Кудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммаджон Қуроно

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-1037  
ISSN 2181-6190      Обуна индекси – 193

Адаби: 2 865 нуска.

Нархи: қилинган ҳисобда.

Кўғаз бичими А-3, ҳафтма 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга тоширилди: 19:00

ISSN 2181-6190



4 772181 619005

1 2 3 4 5 6